# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 71 (8.806) ◆ 1996 йил 17 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ПОЙТАХТ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

## ИСЛОМ КАРИМОВ ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейини бунёд этиш ишлари билан танишди.

Ҳозир Тошкент улкан қурилиш майдонига айланган. Шаҳарда янги-янги кўчалар ўтказилмоқда, ижтимоий ва саноат бинолари барпо этиляпти, кўплаб спорт иншоотлари қурилишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон пойтахтини қайта қуриш ва обод қилиш ишларининг боришини мунтазам ўз назорати остида ушлаб турибди. Ислом Каримов қурилаётган иншоотларда бўлиб, меъморлар, бинокорлар, мутахассислар билан мулоқотда бўлар экан, лойиҳаларни яхшилаш, биноларни безаш ва бошқа қурилиш ишлари юзасидан қимматли амалий таклифлар беради.

Ислом Каримов Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишининг бориши билан танишиб чиққач, ушбу бино миллий меъморчилигимизнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштириши зарурлигини таъкидлади. Бу ерда бўладиган кўпдан-кўп томошабинлар музей экспозициялари билан танишиб, халқимизнинг жуда бой маънавий ва маданий меросга эга эканлигига ўзлари ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Тошкент марказида бунёд этилаётган ушбу бино 8247 квадрат метр майдонни эгаллайди. Унинг экспозиция заллари эса 2200 квадрат метрга тенг бўлади. Бу залларда телекоммуникациянинг энг замонавий воситалари ўрнатилади.

Президентимиз музей телеэкранларида темурийлар даври тарихи ҳамда кўҳна меъморчилик ёдгорликлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилиши мақсадга мувофиқлигини айтди. Шу муносабат билан Ислом Каримов мазкур мавзуда фильмлар яратиш юзасидан танлов эълон қилиш тўғрисида кўрсатма берди.

Пойтахтнинг янги қурилишлари билан танишиш пайтида, жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуасини барпо этиш масалалари муҳокама этилди. Айни пайтда Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш ҳамда республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига қуриб битказиладиган бошқа иншоотларни барпо этиш вазифалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон раҳбари спорт тадбирлари билан бир қаторда катта кўнгилочар концертлар ўтказиладиган ёпиқ спорт иншооти қуриш заруратини таъкидлаб ўтди.

Ислом Каримов Тошкент шаҳри рамзини яратиш юзасидан эълон қилинган танловга келган ишлар билан танишди ва пойтахтимиз рамзини яратиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Шу куни Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этишни янада яхшилаш, шунингдек Ўзбекистон вилоятлари ва туманлари марказларини обод қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишини кўздан кечириш пайтида давлатимиз раҳбарига Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

*Кўргазмалар*

## «БУДИМЭКС»НИНГ БИНОКОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг марказий залида Польша «Будимэкс» компаниясининг қурилишга оид янги технология ва ашёлар, электр ва сантехника ускуналари, офис мебеллари кўргазмаси бўлиб ўтди. Сотишга мўлжалланган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарнинг АҚШ доллари ҳисобидаги тахминий нархлари келтирилди. Кўргазмага қўйилган пластмассадан ишланган ромлар, алюминдан тайёрланган ташқи эшик, керамик плиталар, паркет уйни иситиш воситалари ва ошхона газ плиталари ҳамда бошқа кўплаб анжомларнинг сифати юқорилиги алоҳида кўзга ташланди.

«Будимэкс» 30 йил давомида фаолият кўрсатиб, ҳозирги вақтда Польшанинг йирик қурилиш фирмаларидан бирига айланган. Ўз фаолияти давомида Европа, Осиё ва Африканинг 23 мамлакатларида шартномалар асосида 2000 дан ортиқ ишлар бажарган. Асосий фаолияти доирасига саноат ва фуқаро қурилиши, уй-жой қурилиши ишлари киради. Лойиҳалаш ишларини бажаради, маслаҳатлар беради. Кўргазма залларидан фирма томонидан бунёд этилган уй-жой, маъмурий ва бошқа биноларнинг айрим намуналарининг катта қилиб ишланган рангли фотонусхалари ҳам ўрин олди. Россия ҳудудида олиб борилган ишлардан намуналар келтирилди.

1995 йил 15 августдан бошлаб фирманинг Тошкентдаги ваколатхонаси ишлаб келмоқда. Унинг вакили Лешек Сандецки биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: «Фирманинг Ўзбекистондаги фаолият доирасининг янада кенгайишига умидимиз катта, ҳозир шартнома асосида бу ерда қурилиш ишларини бошлаб юборганмиз, яна бир нечта шартномаларни тузиш арафасида турибмиз. Шартнома тузилганда ўзаро манфаатлар ҳисобга олинади. Бу ерда иқлим шароитларини ҳисобга олишга келсак, буни мазкур кўргазмадаги уйнинг деворлари дейсизми, керамик плиталар ва бошқаларда кўришингиз мумкин. Ҳамма материал биздан бўлиши шарт эмас. Имкониятлардан келиб чиқиб маҳаллий материаллардан фойдаланиш мумкин. Биз Тошкентда қурилиш материаллари ва бошқа асбоб-ускуналаримизни сотадиган дўкон қурмоқчимиз. Бу ишимизни пойтахтда қўллаб-қувватлашди ва келишиб ҳам олдик».

Бу ерда Самарқанддаги Австрия-Ўзбекистон мармар-гранит ишлаб чиқарувчи қўшма корхонасининг маҳсулотлари ҳам намойиш қилинди. Бу ранг-баранг мармар ва гранитдан ишланган қопламалар Ғозғон, Зарбанд, Севасой, Лангар, Омонқўтон ва бошқа тоғлардан олинган бўлиб, ҳозирги вақтда қўшма корхонанинг бош директори Бахтиёр Бобоқуловнинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бажарилаётган юбилей объектларига ҳам шу корхонанинг маҳсулотидан фойдаланишмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О

# БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Бельгия ҳукумати расмий вакили, сенатор Роберт Урбен раҳбарлигидаги делегацияни ҳамда Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице-президенти М. Куботани қабул қилди.

❑ Олий Мажлис раиси Эркин Халилов 14 июнь куни Бельгия ҳукумати расмий вакили, сенатор Роберт Урбен бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

❑ Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасида «Тико» русумли енгил автомобилларни йиғиш бошланди. Унинг лойиҳа қуввати йилига 50 минг автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Автомобиль қисмларининг 70 фоизи Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилади.

❑ Вазирлар Маҳкамасида Тошкентда Япония билан ҳамкорликда вагонсозлик бўйича янги замонавий завод қурилиши юзасидан келишиб олинди. Япония томони бу қурилишга 6 миллиард 102 миллион иена миқдорида маблағ ажратадиган бўлди.

❑ Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ходимлари, хорижий давлатлар ишбилармонлари, компания ва фирмалари учун республика ҳудудида, айниқса қишлоқ жойларида мазкур жамғарма тузилганлиги муносабати билан пайдо бўлган янги имкониятларга бағишланган учрашув ўтказди.

❑ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида партия депутатларининг фаолияти ва бошқа ички партиявий масалалар муҳокама этилди.

❑ Самарқанд вилояти ҳокимлиги Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан шаҳарни обод қилиш, Амир Темур майдони атрофида боғ барпо этишга қатор корхона ва ташкилотлар, хусусий шахсларнинг ўз маблағларини ажратиш бўйича ташаббусларини маъқуллади. Ҳозирнинг ўзида бу қурилишлар учун 45 миллион сўм пул ўтказилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Россияда бўлиб ўтган президент сайловларида дастлабки маълумотларга қараганда кутилганидек, Борис Ельцин билан коммунистлар етакчиси Геннадий Зюганов сайловчиларнинг нисбатан кўпроқ овозларини олганлар. Лекин биронта номзод овоз беришда қатнашганларнинг 50 фоиздан кўпроғи овозини ололмаганлиги учун президент сайловининг иккинчи босқичи ўтказилиши керак.

❑ Шаҳар сайловчиларининг 90 фоиз овозини олган Юрий Лужков яна Москва мэри этиб сайланди.

❑ Украинада ҳукумат бошқаруви ва бошқа давлат идоралари ходимлари сони 20 фоизга қисқартириладиган бўлди.

❑ Тожикистон мухолифатчилари 8 июлда ҳукумат вакиллари билан узилиб қолган музокараларни давом эттиришга рози бўлдилар.

❑ Элистада ФИДЕ тасарруфи остида шахмат бўйича жаҳон биринчилигида Анатолий Карпов яна Гата Камский устидан ғалаба қозонганидан сўнг ҳисобни ўз фойдасига 4:2 қилди.

### ХОРИЖДА

❑ Эртага Германиянинг Франкфурт шаҳрида «ГФРда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» мавзуида халқаро анжуман иш бошлайди.

❑ Истамбулда Туркия билан Озарбайжон ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоладилар.

❑ БМТ Хавфсизлик Кенгаши собиқ Югославияга қурол-яроғ етказиб беришни ман қилувчи ўз қарорини бекор қилди.

❑ Чехияда чех ҳарбий қисмлари иштирокисиз НАТО машқлари бошланди. Голландиянинг 41-механизациялашган бригадасининг 1,5 минг аскари бу ерда мудофаа жангларини олиб бориш машқларини ўтказмоқда.

❑ АҚШнинг 1997 молия йилида мудофаа мақсадларига сарф-харажатлари 245,3 миллиард, бу йилдагидан 2,3 миллиард доллар кўп бўлади.

❑ Шанбага ўтар кечаси Шарқий Хитой денгизида қалин туман оқибатида Греция ва Кипр юк ташиш кемалари тўқнашиб кетди. Кипр кемаси чўкиб кетиб, унинг 26 денгизчиси бедарак йўқолган ҳисобланмоқда. Турк кемаси эса жиддий шикаст олмади.

О БУГУНГИ КУН НАФАСИ О БУГУНГИ КУН НАФАСИ О БУГУНГИ КУН НАФАСИ О БУГУНГИ КУН НАФАСИ О

*Танловлар*

## ЧЕВАРЛАРНИНГ ЧЕВАРИ

Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Енгил саноат лицейида замонавий кийим тикувчиси касби бўйича «Энг яхши мутахассис» номли кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳунар-техника таълими муассасаларидаги битирув курсларидан 32 нафар ўқувчи қатнашди.

Танлов давомида ҳакамлар ҳайъати шартларига кўра баҳс иштирокчилари махсус фанлар бўйича тузилган тест саволларига жавоб бердилар.

Танловнинг «Уйга вазифа» босқичида ўқувчилар ўз касблари бўйича тайёрлаб келган санъатларини намойиш этдилар. Бунда улар ўзлари ижод этган маҳсулот намуналарини кўрсатиб, ҳунарлари бўйича турли рамзлар яратиб, ўз билим юртлари шарафини ҳимоя қилдилар, викторина саволларига жавоб бердилар ва ўзлари тикиб келган турли либосларини мусиқа садолари остида театрлаштирилган намойишини кўрсатдилар. Шунингдек, танловнинг амалий қисмида ҳар бир қатнашчи аёллар блузкасини якка тартибда моделлаштириб, ишчи андозалар тайёрлаб, бичдилар ва тикдилар.

Кўрик-танловда барча шартларни тўлиқ бажариб, энг кўп балл тўплаган Тошкент шаҳридаги 46-ҳунар-техника билим юрти талабаси Шаҳноза Маҳсумова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази ўқувчиси Илмира Ҳуснуддинова ва Тошкент вилоятидаги Чирчиқ шаҳар енгил саноат лицейи ўқувчиси Елена Назаровалар эгаллашди. Ғолибларга Халқ таълими вазирлиги томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек ғолиб чиққан ўқувчиларнинг таълим усталарига ҳам фахрий ёрлиқлар топширилди.

Дония ЗОКИРОВА.

*Бандлик хизмати*

## ЁШЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Мирзо Улуғбек тумани «Бандлик хизмати» ходимлари мавжуд кичик корхоналар, маҳаллаларда янги очилаётган цехлар ва новвойхоналар билан ҳамкорликда иш юритишиб, ишсизлик мақомини олган ёки биринчи маротаба иш ахтариб юрган ёшларни шу ерларга ишга йўналтиришмоқда.

Биргина ўтган ойда 18 нафар ёш фуқаро мурожаат этган бўлса, уларнинг 5 таси ишга жойлаштирилган. Бунда албатта, кўпроқ эндигина мактабни тугаллаган ёшлар алоҳида эътиборга олинган.

Мактабдан бўшаган ёшларни ёзги таътил кунларида қўшимча иш билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида кўриб чиқилган эди. Туман ҳокимлигининг махсус фармойиши асосида 15 корхона, ташкилот ва кичик корхоналарда 200 та ишчи ўрни ташкил этилиши ва унда асосан ёшлар меҳнат қилиши таъкидланган эди. Айни вақтда улар амалда фаолият кўрсатишмоқда.

Шунингдек бандлик хизмати билан корхоналар ўртасидаги тузилган шартномага кўра керакли касб бўйича ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Бундай шартнома бўйича ўқишга юборилган фуқаролар «Полимер» ҳиссадорлик жамиятида, «Тошкентқурилиш» корпорациясида, «Тоштаъмирқурилиш» трестининг 1 ва 2-таъмирлаш қурилиш бошқармаларида меҳнат қилишади. Якка шартнома асосида ЭҲМ операторлари ва бухгалтерликка ҳам ўқишга юборишаяпти. Қайта ўқитиш ёки қўшимча касб-ҳунарни ўрганиш борасида бандлик хизматига мурожаат этаётганлар бефарқ қолдирилмаяпти.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

*Ижтимоий ҳимоя — амалда*

## КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат ҳиссадорлик корпорациясига қарашли барча тизимларда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олишларига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Корпорацияга қарашли тизимларда 20 мингдан ортиқ ишчига иш шароити ҳисобга олиниб қўшимча тўловлар жорий этилган. 5,7 минг ишчи ва хизматчига қисқартирилган иш куни, қўшимча таътиллар белгиланган. 6000 дан зиёд ишчи парҳез таомлар билан овқатланиш имкониятига эгадирлар. Бўлаётган сарф-харажатлар корхона маблағидан қопланиб, бунга 14 миллион 561 минг сўм сарфланди.

Ҳозирги бозор шароити ҳисобга олиниб ходимларга овқат пули, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун ва бошқа мақсадларга маблағ ажратилмоқда.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.



*Истеъмол бозорини тўлдириш йўлида*

## ГУЛЛАРДАН ЎЙИНЧОҚЛАРГАЧА

**Суратли лавҳа**

«Совпластитал» ўзбек-италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури тобора кўпайиб, сифати ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу корхонанинг шаҳримизнинг турли туманларида махсус дўконлари мавжуд. Шунингдек учта супермаркети ҳам ишлаб турибди. Ишлаб чиқариш жараёнида бир вақтлар фақат сунъий гуллар чиқарган жамоа, ҳозирда дала ҳовлилар учун стол-стуллар, уй-рўзғор буюмлари, болалар ўйинчоқларининг бир неча юз хил турини харидорларга етказиб беришмоқда.

Корхона қошида ташкил этилаётган махсус цехларда эса кундалик турмушимизда асқотадиган буюмлар, тошойналарга, қимматбаҳо ҳисобланган суратларга пластмассадан ромлар ҳам тайёрлашмоқда.

— Нодир суратларнинг ромларини бўяб, уларни қадоқлаш борасида кўп изланишимга тўғри келди, — дейди йиғувчи-қадоқловчи Холида Жуманиёзова. — Суратларни бўяш бўлинмасида айтарли кўп одам ишламайди. Лекин менга бу ишим жуда ёқади. Беш йилдан бери шу бўлинмада меҳнат қиламан. Тўғри, кейинги вақтда анча-мунча ёшлар келиб иш ўрганишгандай бўлди, лекин бўёқларнинг ўткир ҳидидан кўп ишлаша олмади. Ҳар бир касбнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бор. Ромларни бўяб, қадоқлашнинг ҳам ўзига хос гашти бор.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишида фақат ходимларнинг малакаси эмас, балки замонавий дастгоҳларнинг ўрнатилаётганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ана шундай дастгоҳлардан бир нечтаси қуюв цехига ҳам ўрнатилди. Улар Германиядаги «Демаг» фирмасида ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаш учун ҳар томонлама қулайдир. Яна аҳамиятли томони шундаки бу замонавий технологияда энг кичик ҳажмли керакли маҳсулотлар қуйилади.

Римма Петровна бўёқ цехида 7 йилдан буён ишлайди. Ўз иши ҳақида сўраганимизда у фахрланиб шундай деди:

— Болаларни жуда яхши кўраман. Айниқса бизлар тайёрлаб бераётган болалар ўйинчоқларининг ранг-баранглигидан кўзим қувнайди. Ўйинчоқлар резина маҳсулотидан эмасми, бўёқлар ёрдамида ранг берганимиздан кейин худди жонли кичик одамчаларга ўхшаб қолади. Касбимдан, корхонамдан ва шундай аҳил жамоада меҳнат қилаётганимдан бағоят хурсандман.

Гулзода МАМБЕТОВА.





*СУРАТЛАРДА: нодир суратларни бўяш-қадоқлаш цехининг ишчиси Холида Жуманиёзова; «Демаг» замонавий дастгоҳининг бош қисми кўриниши; болалар ўйинчоғини бўяш цехининг моҳир ишчиси Римма Харина тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Футбол*

## ҲОКИМ КУБОГИ СОҲИБИ

Иккинчи лига жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун мусобақаларнинг финал учрашуви катта шодиёнага айланди. Ўйин бошланишидан бир соат илгариёқ «Трактор» стадионининг усти ёпиқ қулай ўриндиқлари кўтаринки кайфиятдаги ҳамшаҳарларимиз билан лиқ тўлди. Ҳа, гарчи финалда Мирзо Улуғбек туманининг ТТИБ — трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ва Бектемир туманининг «Бектемирчи» жамоалари учрашса-да, бу ерда бутун шаҳар, ҳатто вилоятлардан келган футбол мухлислари тўпландилар. Бўкалик ишқибоз Шуҳрат Пардаев шундай дейди:

— Мен «Бектемирчи»га тарафкашман. Бу жамоада менинг ўртоқларим тўп суришади.

— ТТИБни қўллаб-қувватлайман, — дейди Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг талабаси Низомиддин Кўполов. — Чунки электр транспорти ходимлари кечаю кундуз хизматда, бизнинг узоғимизни яқин қиладилар. Қолаверса, ТТИБ жамоаси азалдан пешқадам бўлиб келган.



Айни кунларда бўлаётган Европа биринчилиги ўйинларини кўриб, ўшандай руҳда юрган ишқибозлар финал қатнашчиларини ҳам қизғин олқишладилар. Шиддатли ўтган биринчи таймнинг сўнгги дақиқасида ТТИБ ҳужумчиси Виталий Калинин ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда эса унинг жамоадоши навбатдаги тўпни киритиб, ғалабани мустаҳкамлади. Ўйин 2:0 ҳисобида ТТИБ фойдасига якунланди ва жамоа Тошкент шаҳар ҳокими кубогининг биринчи соҳиби бўлди.

— Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар футбол федерациясининг ташаббуси билан бошланган бу мусобақа дарҳол катта нуфуз қозонди, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Суҳбат Пўлатов. — Эндиликда бу турнир анъанавий бўлиб қолади.

Ўйин ниҳоясида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иккала жамоани ҳам қизғин табриклаб, ғолибларга кубокни тантанали вазиятда топширди. Шунингдек, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Мирзиёев, «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси бошқарувининг раиси Рўзи Ҳикматуллаевлар ҳам финал қатнашчиларини қутлаб, футболчиларга қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Бобур ҲАСАНОВ.

*СУРАТДА: Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ғолиб жамоага кубокни топширмоқда.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Теннис*

## ВАРТУШ — ЧЕЛЛЕНЖЕР ҒОЛИБИ

Ўтган шанба ва якшанба кунлари «Динамо» теннис мажмуида Тошкент челленжер халқаро аёллар мусобақаси доирасида жуда қизиқарли ва муросасиз беллашувлар бўлиб ўтди. Бу бежиз эмасди, албатта. Чунки, шу кунлари турнирнинг энг кучли теннисчилари ярим финал ва финал учрашувларида куч синашдилар.

Дастлаб майдонга Катрин Кильш (Германия) ва Елена Таткова (Украина)лар тушишди. Ушбу беллашувда Кильшнинг қўли баланд келди.

Иккинчи ярим финал беллашувида Патрисия Вартуш (Австрия) Робин Модели (Австралия)лар ўзаро куч синашишди. Бунда чаққон, тезкор ва кучли техникага эга Вартуш иккита сетда 6:2, 6:1 ҳисобида осонгина ғалаба қозонди. Орадан кўп фурсат ўтмай, мағлубият аламини тотган Татаркова яна кортга тушди. Бу гал у ўзининг юртдоши Елена Брюховец билан бирга жуфтлик мусобақасининг ғолибини аниқлаш учун финал баҳсида Кильш — Моделига қарши майдонга тушди. Мазкур ўйинда тажрибали украин спортчилари ташаббусни қўлдан бой беришмади — 6:4, 6:2 ҳисобида зафар қучишиб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Кеча ишқибозлар билан лиқ тўла марказий кортда асосий соврин эгаси — якка беллашувларнинг ғолибини аниқлаш учун Кильш ва Вартушлар баҳс юритишди. Биринчи сет Вартушнинг тўла устунлигида ўтди — 6:1. Иккинчи сетда Кильш бутун маҳоратини ишга солган бўлса-да, фақатгина 4 та геймда қўли баланд келди, холос — 6:4. Шундай қилиб П. Вартуш (Австрия) биринчи Тошкент халқаро аёллар челленжер турнирининг илк ғолиби бўлди.

...Ҳарбий оркестр садолари остида майдонга 20 давлатнинг байроқлари кўтариб чиқилади. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов аёллар халқаро мусобақаси ташкилий қўмитаси номидан барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, эндиликда бу турнир Ўзбекистон пойтахтида ҳар йили давом этишини таъкидлаб ўтди.

Сўнг ғолибларга совринлар топширилди. Дастлаб ўзбекистонлик энг иқтидорли катта ракетка усталари — И. Тўлаганова, Л. Биктякова, Н. Никитина, С. Синициналарга Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, «Камолот» ёшлар жамғармасининг махсус совғалари топширилди. П. Вартуш ва К. Кильшларга 1, 2-ўринлар учун махсус тайёрланган гўзал совринлар топширилганда эса ишқибозларнинг қарсаклари узоқ вақт тинмади. Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди.

Дилшод ИСМОИЛ.

О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О

О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О ЯНГИЛИКЛАР О ВОҚЕАЛАР О ХАБАРЛАР О

*Машҳур кишилар ҳаётидан*

## ҚАЛАМ ВА ҚЎЛҚОП

Германияда чиқадиган «Штерн» (Юлдуз) журнали боксни тушунган ва спортнинг бу тури билан шуғулланган машҳур ёзувчи ва шоирлар ҳақида қизиқарли мақола эълон қилди. Мақолада ҳикоя қилинишича, 1908 йилнинг 26 декабрида Сиднейда рингда америкалик негр Жек Жонсон ва оқ танли боксёр Томми Барнс куч синашадилар. Бу кун тарихда ўчмас бўлади. Шундан буён боксда негрларнинг қўли баланд кела бошлайди.

Ўшанда бу воқеага ҳеч ким ишонмаган эди. Ҳеч ким, ҳатто рингнинг шундоқ олдида ўтириб, олишувни киприк қоқмай томоша қилган Жек Лондон ҳам. Жек Лондон ўз даврининг маълум ва машҳур адибларидан эди. У ўзининг «Снарк» номли яхтасида жаҳон бўйлаб саёҳатга чиқади. Сафарда касалга чалиниб қолиб, Сиднейда беш ой даволанади. Оғриқнинг зўридан на ёзишга, на ўқишга мажоли қолмаган Жек Лондон ўз тақдиридан нолийди. Ночорликдан яхтасини сотиб юборади. Австралияда бўлган чоғида у бутун кучини тўплаб, атиги биргина ишни — Барнс ва Жонсон ўртасида оғир вазнда жаҳон биринчилиги учун бўлиб ўтган кураш тўғрисидаги репортажни охирига етказади.

Лондон боксни севар ва уни тушунарди. У боксчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи роман ҳам ёзди. Бироқ бу асар танқидга учради. У шу муносабат билан «Тасвирнинг реаллиги шубҳа остига олиняпти. Камина, танқидчи бу ишларда менчалик тажрибага эга эмас, деб ўйлайман. Нокаут бўлиш ёки бировни нокаут қилишнинг нималигини у билолмаса керак. Мен эсам буни ўз танамда биламан...» деб ёзган эди.

«Яқин вақтларгача қаерда яшаган бўлсам ҳар куни эрталаб бокс билан оз-оз шуғулланиб турардим», деб ёзган эди Жорж Сименон.

Хемингуэй ва бокс — бу ўзи алоҳида мавзу. Бокс унинг учун буқалар жанги, шер овлаш сингари бир машғулот эди. У шоир Эзре Паундуга ва турмуш ўртоғи Мэрига боксдан сабоқ берарди.

Канзасда «Сити Стар»нинг ёш репортёри Хемингуэй тез-тез бокс тушиб турарди. Унинг учун боксдаги асосий нарса қоматни йўқотмаслик ёки бўлмасам ўша даврнинг энг яхши боксчиларидан дўстлар орттириш эмасди. Асосий гап бошқа нарсада, яъни ёзишда эди. Хемингуэй ўз асарларини боксчиларнинг ҳаракатларига монанд: ортиқча жумлаларсиз қисқа, аниқ, лўнда қилиб ёзарди. Хемингуэйнинг тили, услубини икки боксчининг жисмоний диалогига қиёс этиш мумкин.

## АДИБНИНГ НОМАЪЛУМ ОЧЕРКИ

«Таймс» (Англия) газетасининг ёзишича, ирландиялик ношир Боб Райан Жонатан Свифтнинг 1730 йилда ёзилган, лекин ҳозиргача маълум бўлмаган очеркини топишга муваффақ бўлган. Дублин кутубхонасининг мутахассислари бу топилма асар ҳақиқатан ҳам Свифт қаламига мансуб эканлигини тасдиқлашди.

Райан бу очеркни урушдан аввалги йилларда ташкил қилиниб, кейинчалик ёпиб қўйилган сатирик журнал «Даблин опинъон»да эълон қилиш ниятида экан. У журнал саҳифаларида шундай топилма асарни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётганидан ғоят мамнун. Чунки Свифтнинг бу очеркида Дублинда бир якшанбада эрта тонгдан то кечгача бўлган воқеалар баён этилади.

— Қизиғи шундаки, — дейди Райан, — бу баённомани ўқиб, бизнинг кўҳна Дублин ҳануз жилла ўзгармаганига амин бўласан.

Мирзаали АКБАРОВ тайёрлади.

*Спорт*

## АЛПОМИШ ВОРИСЛАРИ

Республикамизга кейинги вақтларда янги, қизиқарли спорт турлари кириб келиб ривож топмоқда. Айниқса улар орасидан халқаро миқёсда ҳам ўз чемпионларимиз, совриндорларимиз чиқаётгани қувонарли ҳолдир. Чунончи, яқинда Қозоғистон республикаси пойтахти Олмаота шаҳрида якунланган куч учкураши — опауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионатида ҳам вакилларимиз яхши қатнашишди. Зеро, штанга билан ўтириб туриш, ётиб қисиш кучини намойиш қилиш, марказий тортишни ўз ичига олган опауэрлифтинг ҳар томонлама кучли тайёргарликни талаб қиладиган, ҳақиқий баҳодирларгина беллаша оладиган қизиқарли спорт туридир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган ушбу чемпионатда Тайван, Ҳиндистон, Индонезия, Япония, Филиппин, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон жамоалари билан бирга ҳамюртларимиз илк бор иштирок этиб, ўз имкониятларини синаб кўришди.

Ўзбекистон терма жамоаси сафларида Осиё чемпионатида жами 17 спортчи—11 эркак ҳамда 6 аёл қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Геннадий Четин, тош кўтариш, оғир атлетика ва куч учкураши бўйича спорт устаси Камолиддин Панохов, халқаро тоифадаги спорт устаси Наталья Стороженколар етакчилигида чемпионатда асосан ёш, умидли ўзбек спортчилари нуфузли доирада ўз кучларини синаб кўришди.

Чемпионатда жами 44 та совринли ўринлар учун кураш кетган бўлса-да, шундан 11 таси ҳамюртларимизга насиб этди. Чунончи, 56 килограммгача бўлган вазнда Есен Абдушукуров (Тошкент) бронза, 67,5 килограммгача вазнда Геннадий Четин (Зарафшон) бронза, 75 килограммгача баҳсда Наталья Стороженко (Тошкент) учта бронза, битта кумуш, 100 килограммлилар баҳсида Рустам Панохов (Тошкент) бронза ҳамда 110 килограммдан ортиқ полвонлар ўртасида тошкентлик Камолиддин Панохов тўртта бронза нишонларини қўлга киритдилар. Бу эса Ўзбекистон жамоасига 11 команда ичидан фахрли бешинчи ўринни эгаллашга имкон туғдирди. Ўзбек спортчиларидан келажакда янада катта зафарлар кутиш мумкинлигини Осиё опауэрлифтинг федерациясининг раиси, япониялик Сусума Вашида ҳам алоҳида таъкидлади. Ушбу медалларнинг ўнтаси Чилонзор туманидаги «Саломатлик» спорт марказининг «Паҳлавон» спорт клуби опауэрлифтингчиларига насиб этганлиги айниқса эътиборга моликдир.

Биз Ўзбекистон терма жамоасининг фаолият кўрсатувчи мураббийси Камолиддин Паноховни суҳбатга тортдик.

— Осиё чемпионати шуни кўрсатдики, — дейди Камолиддин ака, — Ўзбекистонда ёш, умидли учкурашчилар кўп. Эндиги вазифамиз иложи борича кўпроқ халқаро мусобақаларда қатнашиб, уларни чиниқтириш, тоблаш. Ҳозир жаҳон опауэрлифтинг федерацияси таркибига кириш ҳаракатидамиз. Келажакка мўлжалланган режаларимиз ҳам бисёр. Чунончи, Қарағандада ўтадиган Қозоғистон очиқ чемпионатида иштирок этмоқчимиз. Август ойида Тайванда бўладиган халқаро мусобақаларда қатнашмоқчимиз. Н. Стороженко эса ўша ойда Финляндияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигига тайёргарлик кўряпти. Октябрда эса Ҳиндистонда фахрий спортчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ниятим бор. Хуллас, режаларимиз улкан. Мақсадимиз Ўзбекистонда янги спорт турини ривожлантириб, кўплаб чемпионлар етиштириб чиқаришдир.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

## «БАЙНАЛМИЛАЛ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Россиянинг Волгоград шаҳрида Ҳамдўстлик мамлакатлари ногирон футболчилар командалари ўртасида олий лига биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда Россиядан 6 та, Украинада битта ва Ўзбекистондан «Байналмилал» ногирон футбол командаси қатнашди. Турнирда «Байналмилал» фақат Олтойнинг «Барнаул» командасига 1:0 ҳисобида ютқазиб, қолган ҳамма ўйинларни камида 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва жами 18 очко тўплаб, 18:1 тўплар нисбатига эришди.

Финалда «Байналмилал» командаси Москванинг машҳур «Спартак» жамоаси билан куч синашиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси янгради.

Бу ютуққа эришишда «Байналмилал» командасининг бош мураббийси Ҳамидулла Ориповнинг хизматлари жуда каттадир. У 1994 йилдан бери «Байналмилал»га мураббийлик қилиб, шу ўтган давр ичида команда ҳамма халқаро турнир ва мусобақаларда фақат биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, команданинг жанговарлигини оширишда жамоа раҳбарлари Павел Сулаймонов ва Игорь Крицкийларнинг ҳам хизматларини таъкидлаш лозим.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.



*Шаҳримиз кўчаларидан одимлаб бораётган туя нималарни ўйлаяпти экан? Янтоқ йўқ экан-да, деб ҳайрон бўлаётганмикин? Агар етовида бўлмаганида йўлини чаппа солиб кетган бўлармиди? Лекин ҳар нима бўлганда ҳам бундай ободончиликларни кўриб ҳайратга тушаётгани аниқ.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Бу — қизиқ*

## ХОНИМГА ЖОЙ БЎШАТИНГ!

Бу малласоч хоним «Шанель» тақинчоқларию, «Кристиан Диор» либосларини жуда ёқтиради. Яна-чи? Яна анҳор бўйидаги Заргарлик уйи унинг севган маскани, айниқса 36-рақамли уйдан сира узоқлашгиси йўқ. Ўтган асрнинг ҳашаматли бу тош биноси аёлга яхши таниш. Нима бўлибди, деяпсиз-а?

Ҳамма гап шундаки, Париж шаҳрининг анҳор бўйидаги Заргарлик уйининг биринчи қавати Мартин Монтей хонимга, яъни Франция ички ишлар вазири қарорига биноан тайинланган жиноят-қидирув ишлари гуруҳининг раҳбарига тегишли. Гуруҳ тергов ишларини олиб бориш услубига кўра, 110 нафар олий тоифадаги мутахассисларга эга. Ўз ўрнида ушбу мутахассисларга ўта бошқотирма ва чалкаш бўлган фавқулодда ҳодисалар, жиноятлар изига тушиш, ҳал қилиш топширилади. Аксарият соҳа мутахассислари ўзларини ҳақиқий профессионал ва юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлмиш Мартин Монтей хонимнинг рўйхатидан жой олишни жуда орзу қилишади.

Дарҳақиқат, 46 ёшли хоним ҳуқуқ-тартибот муассасаларидаги 20 йиллик хизмати давомида шуни исбот этдики, манаман деган ашаддий жиноятчиларнинг бурнини ерга бемалол ишқаб қўйиши мумкин экан. Бу вақт мобайнида Мартин хоним Францияга етиб келувчи гиёҳвандлик моддаларининг бир қанча тармоғию йўлларини фош этиш билан бирга кўзбўямачилик ва муттаҳамликни ўзларига касб қилиб олган кўплаб нуфузли ташкилотлар бетидаги ниқобни йиртиб ташлашга муваффақ бўлган.

Охирги икки йилда эса у ўша заргарлик уйида уюшган жиноятчилик ва бандитизмга қарши курашувчи гуруҳга муваффақиятли равишда раҳбарлик қилмоқда. Унинг чиройли қилиб бўялган нафис қўлларини бўлса ҳамкасблари «темир қўл» деб аташади. Франциядаги «Эвенман де жёди» ҳафтаномасининг ёзишича, бундай ҳолатлар мамлакатда жуда кенг тарқалгандир. 80-йилларда миллий махсус хизматида ишловчи аёллар Вашингтон, Бухарест, Брюссель, Москва каби йирик шаҳарларда ўз зиммаларидаги вазифани аъло даражада уддалаб келганлар. Тилни жуда яхши билиш, ўта аниқ таҳлил қилиш жиҳатидан аёллар эркакларга йўл бермас эканлар.

Миллий махсус хизматнинг яна бошқа содиқ ходими Мюрахоним 80- йилларда француз ташқи разведкасининг Шарқий Европа қисми йўналиши бўйича раҳбарлик қилган. Кейинчалик у Руминияда ишлаб, ўз ҳисоботларида рўй беришдан анча йиллар аввал қайта қуришнинг чанг-тўзонларию, Чаушеску ҳокимиятининг емирилишларини айтиб ўтган. Шунингдек, аёллар Яқин Шарқ давлатлари разведкаси йўналиши бўйича ҳам энг муҳим лавозимларда хизмат қилганлар.

Аммо даниялик Ханна Хансен ўзининг алоҳида жиҳатлари билан шу соҳада ишлайдиган кўпгина аёллардан фарқ қилиб туради. 1988 йилда у миллий махсус хизматининг бошлиғи этиб тайинланади, бундай масъулиятли лавозимни дунёда илк бора шу аёлга ишониб топширдилар. Аввал у полиция маҳкамасида, кейинчалик эса Копенгаген шаҳри бошқарувининг раиси муовини вазифасида ишлади. Дания қироллигида 1-тартиб рақамли бу разведкачи аёл терроризмга қарши курашда ҳамда Англиядаги ўз ҳамкасбларига кўмак бериб, раҳбарлар назарига тушди. Ўз ўрнида Англиянинг «Эм-Ай 5» контрразведкаси ҳам улардан ўз хизматини аямаган.

Ҳа-я, гап айланиб Англия махсус хизматига бориб қолган экан, шуни айтиб ўтиш лозимки, разведка соҳасида ишлаётган ходимларнинг чорак қисмини аёллар ташкил этишар экан. Албатта бу ерда яна бир жиҳат борки, у ишга нуқул путур етказаверади. Аёллар кўпинча муҳим аҳамиятга молик махфий ахборотни дугоналарнинг майда-чуйда ғийбатлари билан гоҳ-гоҳида алмаштириб юборар эканлар.

Наргиза ШАВКАТ қизи.

*Турфа олам*

## СЕҲРЛИ СЎЗЛАР

РОҲИБЛАР камроқ ҳаракатда бўлиши кўпларга яхши маълум. Бу эса ўз ўрнида ҳаддан зиёд уларнинг вазнини ошириб юборади.

Керагидан ортиқча вазн хасталик аломати бўлгани сабабли тибет донишмандлари муайян бўғиндан иборат бўлган, ғалати формулани ишлаб чиқишди.

Ҳеч ким йўқ хонага кириб, кўзлар юмилади-да, ярим овозда бақирмасдан ушбу «сеҳрли» сўзлар айтилади: «Сан-Сиа-Уии-Нах-Пай-Тун-Доу». Айнан мана шу ибора туфайли тибет роҳиблари ортиқча ёғлардан халос бўлаётган эканлар.

## ОЛИМЛАР АЙТАДИКИ...

БРИТАНИЯНИНГ метрология институти мутахассислари фикрича Ер юзи йилдан-йилга исиб боряпти.

Уларнинг тадқиқотларидан шу нарса аён бўлдики, Ер устидаги ҳарорат ўтган йили Цельсий кўрсаткичи бўйича 14,8 даражани ташкил этган. Бу 1961-1990 йиллардаги кўрсаткичлардан ярим даража ортиқдир.

— Сайёрамиз об-ҳавосининг исиб кетиши ҳозирда юзага келиб қолган экологик номутаносиблик, хусусан корхона, хўжаликлардаги кўмир ва нефтьмаҳсулотларининг ёнишидан ҳосил бўлган углерод чиқиндиси туфайлидир, — дейишмоқда Англия тадқиқотчилари.

## БАДБЎЙ ДЕМАНГ УНИ

НОХУШ ис таралишидан айримлар саримсоқ ейишмайди. Лекин саримсоқ юрак-қон томир хасталигининг олдини олишини ҳамма ҳам билавермаса керак. Шунингдек, қон қуйилиб қолиши, инфарктлар сабабчиси бўлмиш тромбозларни бартараф этади, грипп, шамоллаш вирусларини ўлдириб, инсон танасини касалликларга қарши кураша олиш қобилиятини яхшилайди. Саримсоқ сурункали бош оғриғи, кўкрак, жигар раки ривожланишини сусайтиради.

Нозима ИСЛОМОВА



Томчиларга чулғанган хаёл.

Рашид Галиев олган сурат-лавҳа.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## ЖАҲЛИ ТЕЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Мирзо Улуғбек туманидаги сув қурилиш ташкилотларидан бирига қарашли автокорхоналардан бирида қотиллик рўй берди. «Газ-52» русумли автомашина ҳайдовчиси С. Сергей Т. Абдусаттор билан биргаликда тушлик қилиб, бирга озгина дам ҳам олишди. Бироқ уларнинг орасидан қандайдир қора мушук ҳатладими ёки бошқа бирон бир можаро аралашдими, иккови чиқишолмай қолишди. Бу ўзаро «баҳслашув» эса қотиллик билан тугади.

С. Сергей шеригига нисбатан жаҳли тезроқ эканми билмадик, Т. Абдусатторнинг бошига темир монтировка билан урганди, зарбнинг кучлилигидан у ерга шилқ этиб тушди. Ўзи ҳам бундай бўлишини кутмаган Сергей қўрққанидан бор гапни атрофдагиларга етказди. Аммо на Сергей, на бошқалар Абдусатторга ёрдам беришолмади. Чунки у оламдан ўтиб бўлганди.

## СОХТА ҲУЖЖАТ КЎРСАТИБ

Топиш-тутишли С. Сарварнинг ҳаётдан нолийдиган ўрни йўқ. Тўрт мучаси соғ. Бироқ Сарвар охирги пайтда қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш васвасасига дучор бўлди. Бу мақсадига етиш учун ҳар хил режаларни ўйлаб топди.

Кунларнинг бирида у Темир исмли ўртоғи билан Юнусобод даҳаси, 11-мавзеда видеокассеталар билан савдо қилаётган йигитнинг олдига боришади. Унга ўзларини милиция ходимлари деб таништиришади. Ўзларича қандайдир қизил гувоҳномани ҳам кўрсатишади. Йигитнинг видеокассеталаридан бир-иккитасини сўрашади. Сотувчи ҳам ҳақли равишда моли учун улардан пул сўрайди. Видеокассеталар билан савдо қилаётган йигит пўписадан қўрқмаганидан кейин улар унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб 600 сўм пулини тортиб олишадию кўздан йўқ бўлишга ҳаракат қилишади. Бироқ ички ишлар ходимлари кўрган тезкор тадбирлар натижасида сохта милиционерлар ашёвий далиллар билан ушланди.

## ҚОТИЛ НЕВАРА

Яккасарой тумани ички ишлар бўлими ходимларининг кечаю кундуз олиб борган ҳаракатлари натижасида ўз бувисини ўлдирган қотил қўлга олинди. Келес шаҳридаги саноат корхоналаридан бирида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Я. Нодиранинг ўлигини шаҳар чеккасидаги бир жойга элтиб ташлаган невара икки кун ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан жиноятни яшириб юрди. На виждони қийналиб айбни бўйнига олиб бу ҳақда милицияга хабар берди. «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деганларидек жиноятчи қочиб юрган бўлсада узоққа кетолмади. Ҳозир у қилмиши учун жавоб бермоқда.

## ЙЎЛДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

Бу жиноятни эшитиб ёқангизни ушлайсиз. Қозоғистон Республикасидан келган С. Ойсулув «Тошкент» автовокзалидан тушиб шаҳримиздаги марказий сўзлашув шохобчасига етиб олишни режалаштиради. Шундоқ автовокзал эшиги олдида унинг йўлини хусусий машина эгалари бўлмиш киракашлар тўсишди. «Қаерга борасиз, келишсак олиб бориб қўямиз» дегувчилар кўп бўлди. Ойсулув шундай кимсалардан бирининг «ВАЗ—2106» русумли машинасига ўтирди. Пулини ҳам келишишди. Бироқ йўлда ҳайдовчи номардлик қилди. Аёлнинг кийинишидан ўзига тўқ оиладан эканлигини билиб найранг ишлатди. Машинани ўчириб чеккага тўхтатди. «Кечирасиз, аккумуляторнинг мазаси йўқ, ўт олишига ёрдамлашиб юборасиз», деб аёлга қарайди. Аёл унинг ғаразли ниятини сезмади. Сумкасини ва бошқа нарсаларини машина ичида қолдириб ҳайдовчига ёрдамлашгани тушди. Машинани ўт олдиришди ҳам. Бироқ талончи М. Фарҳод Ойсулувни шу ерда қолдириб ўзи кўздан ғойиб бўлди. Бечора аёл эс-ҳушини йиғиб олиб милицияга мурожаат қилди. Йўл-патруль хизмати ходимлари Фарҳодни тунда ушлашди. Аёлнинг 3 минг қозоқ тангаси, паспорт, талабалик билети, синов дафтари, ётоқхона калити ва бошқа нарсалари қайтарилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ**

**1996-1997 ўқув йилидан бошлаб**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 10 ТА МАКТАБДА**

**БАНК СИНФЛАРИНИ ОЧАДИ.**

Юнусобод туманидаги 9-МАКТАБ,
Ҳамза туманидаги 155-МАКТАБ,
Яккасарой туманидаги 160-МАКТАБ,
Шайхонтоҳур туманидаги 186-МАКТАБ,
Миробод туманидаги 214-МАКТАБ,
М. Улуғбек туманидаги 223-МАКТАБ,
С. Раҳимов туманидаги 249-МАКТАБ,
Сирғали туманидаги 284-МАКТАБ,
Бектемир туманидаги 293-МАКТАБ,
А. Икромов туманидаги 306-МАКТАБДА

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БАНК СИНФЛАРИ ОЧИЛАДИ.**

**БАНК СИНФЛАРИГА 8-СИНФЛАРНИ АЪЛО ВА ЯХШИ БАҲОЛАРГА ТУГАТГАН, МАКТАБДА ЧЕТ ТИЛЛАРИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИГАН ЎҚУВЧИЛАР ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Тест синовлари 7 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ (инглиз тили), иқтисодиёт, психология фанларидан ўтказилади.

Ўқишга кирувчилардан ҳужжатлар 1996 йил 5 ИЮЛГАЧА қабул қилинади.

**ШУНИНГДЕК, УМУМТАЪЛИМ ВА МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА ДАРС БЕРУВЧИ ЎҚИТУВЧИ-МУТАХАССИСЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.**

Ўқитувчиларга банклар ассоциацияси томонидан қўшимча ҳақ тўланади.

Маълумотлар учун Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига — телефонлар: 33-05-03, 45-03-09 ва туман халқ таълими бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ**

**10-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**
**1996-97 ўқув йилига**
**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

- **Якка буюртмалар бўйича тикувчилар,**
- **Кенг ихтисосли сартарошлар,**
- **Қандолатчилар,**
- **Ошпазлар,**
- **Холодильник тузатувчи усталар.**

**БИЛИМ ЮРТИГА 9-11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ 1,2,3 ЙИЛ.**

Ўқишга қабул қилинганлар ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, таржимаи ҳоли, 6 дона фотосурат (3х4).

**БИЛИМ ЮРТИ МАНЗИЛИ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани «1/2-Қора қамиш» мавзеси, 2-уй (42, 43-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб», 10,21,25-троллейбуслар, 18-трамвайнинг охирги «1/3-Қорақамиш» бекатлари).**

**98-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан Балиманов, Икромов кўчалари, Ҳуснобод кўчасининг 1 ва 2 тор кўчаларида, Бастакор, Алиев кўчаларида, вақтинча,

**17 июндан 30 июнгача**

***ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ.***

***Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.***


«Ново Нордиск» Ҳ/Ж» (Дания) компаниясининг Марказий Осиё офиси жамоаси республика йирингли жарроҳлик марказининг директори, профессор Б.Д. Бобожоновга онаси

**Нодира Аҳмедовна АҲМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, умумий жарроҳлик кафедраси ва республика йирингли жарроҳлик маркази жамоалари профессор Б.Д. Бобожоновга онаси

**Нодира Аҳмедовна АҲМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.


**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Б-0308. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.134 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.